2016 ЙИЛ 22 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 245 (13.308)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Мустақиллик йилларида енгил саноат мамлакатимиз макроиқтисодий комплексида мустаҳкам ўрин эгаллади.***



А.Асланов (ЎзА) олган сурат

## ЕНГИЛ САНОАТ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Чет эл инвестициялари ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган самарали лойиҳалар ишлаб чиқариш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлаётир.

Мустақиллик йилларида тармоққа 2,5 миллиард доллардан ортиқ сармоя жалб этилиб, 200 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти корхоналари томонидан қиймати 31 триллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари, 13 триллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. Корхоналарда пахта калава ва газлама, тўқимачилик матолари, тикувчилик ва пайпоқ буюмлари, ип калава, тайёр кийимлар билан бирга тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар ва махсус кийимлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятида жорий йилнинг 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 18,5 фоиз, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш эса 23 фоизга ўсди.

Бугунги кунда жамият таркибига замонавий техника билан таъминланган 380 дан ортиқ тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж, шунингдек, шойи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради. Уларнинг қарийб 360 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектидир. Ушбу корхоналар ип калавадан тортиб тайёр буюмгача бўлган кенг турдаги маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга етказиб бермоқда. Замонавий дизайн ва юқори сифат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаб, уларнинг халқаро бозорда муносиб ўрин эгаллаши учун имконият бермоқда.

– Ривожланишнинг асосий омилларидан бири ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг жаҳон бозорига экспорт қилинишидир, – дейди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи ўринбосари Аваз Муҳиддинов. – Айни пайтда жамият корхоналари ўз маҳсулотларини дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатига экспорт қилмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти маълумотларига кўра, шу йилнинг ўтган уч чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 триллион сўмдан ортган, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш эса 1,2 триллион сўмни ташкил қилган. Айни пайтда ип ва газлама, трикотаж мато ва ундан тайёрланган буюмлар, нотўқима материаллар, хом ипак каби асосий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсди.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хорижий шерикларни жалб этиш "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Буларнинг барчаси мамлакатимиз енгил саноатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Мамлакатимизда бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида сифат ўзгаришларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, тўхтаб қолган эски ип-йигирув комбинатлари ўрнига замонавий технологиялар билан жиҳозланган хорижий ва қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Кўплаб тармоқ корхоналари модернизация қилинди, уларда жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган имтиёз ва преференциялар уларнинг ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашига имкон яратмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## САЙЛОВНИ ЁРИТИШ:

## МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

***Пойтахтимизда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимизнинг нодавлат телерадиостудиялари орқали ёритишда халқаро стандартларни қўллаш: миллий тажриба ва жаҳон амалиёти" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, К.Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Болгария, Германия, Франция, Дания, Латвия, Литвадан экспертлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Одилов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Айниқса, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охирги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

*(Давоми 2-бетда)*

## Сайлов – 2016

## САРВАР ОТАМУРАТОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 21 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.**

"Туркистон" саройида бўлиб ўтган учрашувни Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқитувчиси М.Акбарова очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ф.Муҳиддинова номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда миллий ўзликни англаш, миллий қадриятларни ҳимоя қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, миллий ахборот маконини такомиллаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш каби долзарб вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида келажагимиз эгаларини миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, оилавий қадриятларни ардоқлаш ва оилаларни мустаҳкамлаш масалалари сайловолди дастурининг асосий вазифаларидан биридир.

Учрашувда истиқлол йилларида Тошкент йирик мегаполисга айлангани, улкан бунёдкорлик ишлари туфайли у гўзал қиёфа касб этиб, муҳташам бинолар, равон ва кенг кўчалар, кўприклар, обод маҳаллалар, жозибали фавворалар, улкан савдо иншоотлари пойтахтимиз чиройига янада чирой қўшаётгани таъкидланди.

Ўзбекистонда умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган жуда кўплаб тарихий-маданий ва архитектура ёдгорликлари мавжуд. Номзоднинг сайловолди дастурида бундай улкан тарихий меросни асраб-авайлаш ва ҳисобга олиш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир масалалар белгиланган.

Номзод сайловчиларни дастурида белгиланган устувор вазифалар билан таништирар экан, "Баркамол авлод – миллат таянчи" тамойили остида ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялашни янада кучайтириш лозимлигини айтди. Бу борада кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ва илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларни яратиш таклифини берди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Н.Ҳабибуллаев, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей директори Н.Умарова, Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Ў.Шакаров, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси М.Ашурова ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида фикр билдирди. Сайловчиларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎзА

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманганда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва бошқа дастурлар ижроси юзасидан депутатлик назорати самаралари: ютуқлар, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.**

**● Термизда ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 59 иштирокчи эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.**

**● Бухоро вилояти эндокринология диспансерида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди билан ҳамкорликда соғломлаштириш акцияси ўтказилди. Вилоят эндокринология диспансерида ўтказилган акция доирасида назоратга олинган қандли диабетга мойил болаларга тиббий воситалар тарқатилди. Аҳоли тор йўналишда тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли тавсиялар берилди. Диспансерда фаолият юритаётган "Диабет мактаби" беморлар ва касалликка мойиллар учун тиббий маслаҳат маркази ҳисобланади.**

**● Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида она ва бола скрининг марказининг бўлими иш бошлади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига асосан вилоят она ва бола скрининг марказига 91 миллион 500 минг сўмлик замонавий кўп функцияли ультра товуш текшируви аппарати келтирилди. Мазкур тиббий ускуна ҳомиладор аёлларни чуқурлаштирилган скрининг текширувидан ўтказиб, аниқ ташхис қўйишда муҳим аҳамият касб этади.**

**● Фарғона вилояти Фарғона туманида вилоят асаларичилик ишлаб чиқариш ўқув маркази фойдаланишга топширилди. Марказда илмий-текширув лабораторияси, тренинг заллари, ихтисослаштирилган кутубхона, электрон архив базаси, шунингдек, асални қайта ишлаш ва қадоқлаш цехи, тикувчилик, мум-парда, асбоб-ускуна ва асалари уяси ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритмоқда**

### ЖАҲОНДА

**● Япониянинг Фукусима музофоти қирғоқларида кеча 7,2 магнитудали зилзила содир бўлди. Кучли ер қимирлаши натижасида бу ерда цунами юз бериши хавфи бор.**

**● 1 ноябрдан бошлаб илк бор Brent русумли нефть бир баррелининг нархи 49 доллардан ошди.**

**● Германиянинг Lufthansa авиакомпанияси учувчилари 23 ноябрда бир кеча-кундузлик иш ташлаш акциясини амалга оширишларини маълум қилишди.**

**● Техрон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси пойтахтдаги барча болалар боғчалари, мактаблар ва институтларни ҳавонинг юқори даражада ифлосланганлиги сабабли ёпишга кўрсатма берди. Шу боис Эрон пойтахтида учинчи кундан бери ўрта ўқув юртлари беркитилган. Ҳаводаги қаттиқ зарралар миқдори меъёрдагидан уч марта ошиб кетгани билдирилмоқда. Пойтахтнинг экологик вазият ўта оғир бўлган туманларида фақат ўша ҳудудда қайд этилган автомобилларнинг ҳаракатланишига рухсат берилган.**

Сайлов – 2016

## САЙЛОВНИ ЁРИТИШ:

# МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча жараёнлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Бу аҳолининг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишида муҳим роль ўйнамоқда. Бу жараёнга нодавлат электрон ОАВ ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Бунга Президент сайлови бўйича 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида битим имзолангани кенг йўл очди.

– Ўзбекистонда сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш бўйича бой тажриба тўпланган, – дейди ЮНЕСКО катта маслаҳатчиси ва консультанти Могенс Шмидт. – Сайлов кампанияси жараёнининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани, бу жараёнда сиёсий партиялар ва улардан Президентликка кўрсатилган номзодлар учун бир хил ва тенг имконият яратиб берилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси нодавлат телерадиостанциялар томонидан сайлов жараёнлари ўз вақтида ва сифатли ёритилишини, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Шу асосда хорижий мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар ўтказиш, сайловга оид медиа-контентни тайёрлашда хориж тажрибасини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирокида "Менинг овозим" ва "Мой голос" ток-шоуларини, медиа маҳсулотларни тайёрлаш, нодавлат телестанциялар эфирини ижтимоий роликлар билан бойитиш, радио ахборот маркази кўмагида нодавлат радиостанцияларни сайловга оид материаллар билан таъминлаш каби йўналишларни ўз ичига олган қатор тадбирлар амалга оширилди.

ЎзЭОАВМА ахборот маркази ва нодавлат телеканаллар ахборот хизматлари томонидан 12 тадбир, 800 дан ортиқ медиа маҳсулот, қарийб 140 телерадиоролик, 12 ток-шоу тайёрланди.

– Ахборот асри журналистлардан нафақат тезкорлик ва холислик, балки ўзига хос янгича ёндашувларни талаб этмоқда, –дейди ЕХҲТнинг Венадаги ОАВ эркинлиги масалалари бўйича эксперти, Литва журналистлари уюшмаси раиси Дайнюс Радзьявичиус. – Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ҳам шунга интилаётгани уларнинг сайлов кампаниясини ёритишга оид чиқишларида намоён бўлаётганини кузатдик. Бу борада, айниқса, нодавлат телерадиоканаллар ўзига хос ютуқларга эришаётир. Эфирга узатилаётган материаллар, журналистлар билан суҳбатлашиб, уларнинг интилишларини кўриб шундай хулосага келдик.

Халқаро давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнини ёритишда нодавлат электрон ОАВнинг роли, бу борада халқаро тажриба ҳақида фикр алмашилди. ЎзЭОАВМА томонидан амалга оширилаётган нодавлат ОАВ ходимларининг маҳоратини оширишга қаратилган лойиҳалар муҳокама этилди. Тадбир доирасида нодавлат электрон ОАВ ижодий гуруҳларининг мавзуга оид тайёрлаган ижтимоий роликлари тақдимоти ўтказилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***"Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейида "Ватаним келажагига овоз бераман" мавзуида сайлов тарғибот тадбири ташкил этилди.***

# ВАТАН КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Учрашувда "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилари Кенгаши раиси ўринбосари З.Саъдуллаев, академик лицей маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ф.Хайруллахўжаевалар сўз олиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим жараённи тенглик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳудудда жойлашган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бир қанча сайловолди тарғибот ишларини амалга ошириб келмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган, сайлов кунига қадар 18 ёшга тўлган ёшларимизнинг сайловдаги иштирокини таъминлаш, давлатимизда демократия тушунчасининг кенг кўламда ўсиб бораётганини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришдир.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшларнинг юртимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларини кўрсатган сиёсий партия вакилларининг таржимаи ҳоллари ўқиб эшиттирилди. Тарғиботчилар ҳар бир номзоднинг дастурларига тўхталиб ўтишди.

Ёшлар сайлов ўтказиладиган кун қандай жараён бўлиши, ўзи хоҳлаган номзодга овоз бериши мумкинлиги ҳақида тўлиқ маълумот олдилар. Ўқувчи-ёшларга ўзлари бориб овоз берадиган участкаларда сайлов комиссияларининг долзарб вазифалари ҳамда уларнинг фаолияти мустақиллик, қонунийлик, ошкоралик ва адолатлилик каби демократик принциплар асосида ташкил этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ЕНГИЛ САНОАТ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

"Asaka textile production" корхонасида бўялган ип калава, "Indorama Kokand textile" қўшма корхонасида ип калава ишлаб чиқаришнинг тўртинчи босқичи, "Jizzax grant textile" корхонасида пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби янги қувватлар фойдаланишга топширилгани бунинг яққол далилидир. Шунингдек, "Uztex Toshkent" ва "Ҳумо тўқимачи" корхоналарини модернизация қилиш ишлари якунига етказилди.

Тармоқда спорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда 57 корхонада 60 дан ортиқ турдаги спорт буюмлари ишлаб чиқарилаётир.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, янги қўшма корхоналар ташкил қилиш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мамлакатимиз енгил саноатини ривожлантириш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида соҳага 153,7 миллион АҚШ доллари жалб қилинди. Бунинг самарасида 25 инвестициявий лойиҳа амалга оширилиб, 2 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Пахта толасини чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали юртимизда енгил саноат тармоғини янада ривожлантириш бўйича тегишли дастурлар ишлаб чиқилаётир. Жумладан, юртимизда қабул қилинган 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш дастури асосида тўқимачилик саноатида умумий қиймати қарийб бир миллиард долларга тенг бўлган 77 муҳим лойиҳа амалга оширилмоқда.

Тармоқни янада ривожлантириш мақсадида 2017-2021 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида умумий қиймати 2,2 миллиард доллардан ортиқ бўлган 140 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда қиймати 90 миллион долларга тенг 25 янги саноат корхонаси ишга туширилди.

Енгил саноат корхоналари маҳсулот экспортини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу йилнинг ўтган 9 ойида экспорт ҳажми 767,3 миллион долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,9 фоиз кўпдир. Ўтган даврда экспорт қилувчи корхоналар сони 38 тага кўпайиб, 250 тага етди.

Бугунги кунда жамият корхоналари экспорт қилинаётган тайёр маҳсулотлар турини кенгайтириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, тармоқ корхоналари экспорти таркибига олачипор, зич тайёрланган ва бамбукли ип, тайёр тўқув-трикотаж буюмларининг янги моделлари, ётоқхона ва ошхона чойшаблари, ёрлиқлар, поплин, сатин ва пахмоқ газламалар, болалар кўйлаги ва бошқа янги турдаги маҳсулотлар киритилди. Бозор талаблари инобатга олинган ҳолда, тикувчилик-трикотаж буюмлари тури янгиланди. Бугунги кунда умумий экспорт ҳажмида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улуши 42 фоизни ташкил этмоқда.

**ЎзА**

# ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Юқорида таъкидлаб ўтилган давлат ва жамият ҳамда демократиянинг асосий тамойили ва талаби фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этиши, давлат ҳаётида бўладиган ишлардан аҳолининг хабардорлиги, мамлакатда вақти-вақти билан сайловларнинг ўтказиб турилишида ифодаланади.***

Демак, демократик ҳуқуқий давлат қуришда сайловлар муҳим мезон ролини ўйнайди. Сайловлар демократиянинг ажралмас ва муҳим белгиси ҳисобланиб, эркин ва бевосита сайловлар орқали фуқаролар ўзи муносиб деб билган шахсларни Президент вазифасига, парламент қуйи палатасига ёки маҳаллий давлат вакиллик органларига депутат сифатида сайлайдилар, уларга нисбатан ўз муносабатларини билдирадилар ҳамда давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил қилишда иштирок этадилар.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий манбаи Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эгадир. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади", деб белгиланган. Сайлов ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган умумий, тенг, тўғри, яширин овоз бериш, эркин, очиқ ва адолатли сайлов ўтказиш каби тамойил ва талаблар Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтказилишида сайлов ҳуқуқига бағишланган халқаро ҳужжатлар стандарт ва эталон вазифасини бажаради. Сайлов муносабатларини тартибга соладиган шундай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига биринчи навбатда БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси киради. Ушбу халқаро ҳужжатга кўра, ҳар бир инсон ўзи яшаётган давлатнинг бошқарувида бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳокимиятнинг асоси бўлмоғи лозим, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз ифодасини топиши керак.

БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган яна бир муҳим халқаро ҳужжат – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактдир. Унга мувофиқ ҳар бир фуқаро камситишларсиз ҳамда асоссиз чекловларсиз, ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш, ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга бўлиши лозим.

БМТ томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган "Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 30 августда қўшилган) ҳамда 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенциялар (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 6 майда қўшилган) сайловларда хотин-қизлар ҳуқуқининг таъминланишига хизмат қиладиган муҳим халқаро ҳужжатлардир. Ушбу халқаро ҳужжатларга мувофиқ, иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўришлари, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитларда тенг сайлов ҳуқуқини таъминлаши лозим.

Эркин сайловларни амалга оширишни таъминлашда Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг 1994 йил 26 мартда қабул қилинган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларация"си алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу декларацияда чинакам эркин ва одилона сайловлар ўтказишнинг институтлари ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишда холис, одилона ва барқарор механизмни ўрнатиш, яширин овоз бериш принципига риоя қилиш, ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик давлатларнинг мажбурияти эканлиги белгиланган. Шунингдек, мазкур халқаро ташкилотнинг 1997 йил 24 майда қабул қилган "Демократия тўғрисидаги умумжаҳон Декларация"сига мувофиқ, демократияга эришишнинг асосий воситаси аниқ давр мобайнида ўтказиладиган эркин ва одилона сайловлар ҳисобланади, унинг ёрдамида халқ хоҳиш-иродасининг ифода этилишига имкон яратилади.

Миллий сайлов қонунчилигимиз нафақат умумтан олинган халқаро сайлов стандартлари талабларига мос келади, балки у хорижий мамлакатлар сайлов қонунчилигидан бир қатор афзал жиҳатлари билан ажралиб туради. Булар, биринчидан, мамлакатимизда барча сайлов ва референдумларни ташкил этиш ва ўтказиш учун мустақил орган, яъни Марказий сайлов комиссияси ташкил этилиши ҳамда унинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширишидир, иккинчидан, сайлов қонунчилигимизга биноан Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш нафар депутати тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади, яъни сайловчилар бевосита депутатликка номзодга овоз беради ва унинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати сайланади. Айрим мамлакатларда эса парламент аъзолари бевосита фуқаролар томонидан эмас, сайловчилар сайлаган вакиллар томонидан сайланади. Бундай икки поғонали сайловлар Ҳиндистоннинг бир қатор штатларида, уч поғонали сайлов эса Хитойда халқ вакилларининг умумхитой йиғилишига бўлиб ўтадиган сайловларда қўлланилади, учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловнинг аниқ даврий муддати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан мустаҳкамлаб қўйилган, тўртинчидан, фуқаролар сайлов ҳуқуқининг кафолатларига доир махсус, яъни "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йилда қабул қилинган) Қонун қабул қилинган бўлиб, бу хорижий мамлакатлар тажрибасида фақат Россия Федерацияси ва Туркманистонда учрайди. МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб бундай қонуннинг мамлакатимизда қабул қилинганлиги диққатга сазовор бўлиб, у Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлашга қанчалик юқори эътибор берилаётганлигидан далолат беради, бешинчидан, миллий сайлов қонунчилигимизга кўра фуқаронинг сайловчилар рўйхатига киритилиши учун у Ўзбекистон фуқароси бўлиши керак. Бу борада мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигидан фарқли ўлароқ, айрим хорижий давлатларнинг вакиллик органлари сайловларида ўз давлатининг фуқаросидан ташқари, хорижий фуқароларнинг ҳам иштирок этишини кузатиш мумкин. Хусусан, Янги Зеландия, шунингдек, Лотин Америкаси давлатларида ўтказиладиган сайловларда халқаро келишувлар асосида хорижий фуқаролар ҳам иштирок этишини, бу ўринда Лотин Америкасидаги муайян давлатда фақатгина бошқа Лотин Америкаси давлатининг фуқароси иштирок этишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилган сайлов ҳуқуқига бағишланган халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги ва улар асосида ўтказиладиган сайловлар юқорида санаб кўрсатилган халқаро сайлов ҳужжатлари ва стандартлари талабларига тўла мос келади. Мамлакатимиз сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини инобатга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, у сайловларнинг очиқ, холис, эркин, адолатли ўтказилишини, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этиши имкониятларини кафолатлайди.

**Муҳаммади УСМОНОВ,**
**А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ профессори, юридик фанлари доктори**

# АХБОРОТ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

***Бугун ахборотнинг тезкорлиги, очиқ-ошкоралиги, аниқлилик даражаси ортиб бормоқда. Шу билан бирга бугунги сиёсий модернизация жараёнлари, демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришни талаб этади.***

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёт: ОАВ нинг ролини ошириш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш борасидаги ролини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал–иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиб бориш, мухтасар айтганда, бу борада ахборот эркинлигини таъминлаш демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда ахборот эркинлиги ҳамда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, изчил ва тизимли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида хабардор қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун бу борадаги ишларининг мантиқий давоми бўлди. Унда давлат ва жамоатчилик ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш орқали давлат органлари фаолиятининг очиқлик ҳамда самарадорлик даражасини ошириш, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг кенг иштирокини таъминлаш чоралари кўзда тутилган.

Шу ўринда яқинда қабул қилинган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун бу борада яна бир муҳим қадам бўлиб, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётини таъминлашда асосий омил бўлганини таъкидлаш жоиз. Қонунда жамият ва давлат қурилиши соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш жараёнлари комплекс ва тизимли равишда тартибга солинган. Бу жамиятни демократлаштиришни янада жадаллаштириш, фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнига фаол жалб этиш, ахборотдан ҳамда замонавий давлат электрон хизматларидан фойдаланиш тизимларини ривожлантириш учун зарур ташкилий-техник шароитлар яратишга хизмат қилади.

Давра суҳбатида "Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва ошкораликни таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболлари", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолияти: ютуқ ва камчиликлар", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ОАВ роли ва вазифалари" мавзуида маърузалар тингланди, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ва ОАВ раҳбарлари, журналистлар, Журналистлар ижодий уюшмаси қошидаги "Ёш журналистлар клуби" аъзолари, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этишди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# БАҒРИКЕНГЛИК – ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

***Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.***

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-модда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Миллий ва диний бағрикенглик – барқарорлик омили" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда вазирлик ва идоралар, турли диний конфессиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари М.Каримов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Ғ.Раҳимов, Тошкент ислом институти ректори У.Ғофуров, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни эъзозлашга қаратилган эътибор самарасида миллатлараро ва диний конфессияларо бағрикенглик, аҳиллик муҳити қарор топганини алоҳида таъкидлади.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Улар ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этмоқда. Республика Байналмилал маданият маркази барча фуқароларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш, уларнинг ўзаро аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун жамиятимизда диний бағрикенглик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистондаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳити тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, – дейди Ўзбекистондаги Рим католик черкови епископи Ежи Мацулевич. – Мамлакатингизда одамлар тинч-хотиржам яшамоқда, ўз орзулари, интилишларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Ўзбекистонда қарор топган тинчлик, барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳит дунё ҳамжамияти ҳавасини тортмоқда.

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

– Уч йилдан буён Ўзбекистонда истиқомат қиламан, – дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг учинчи босқич талабаси, Туркманистон фуқароси Муҳаббат Аҳмедова. – Ўқишдаги дўстларим, курсдошларим билан аҳил-иноқ, бир оиладек яшаймиз.

Семинарда тинчликни мустаҳкамлашда диний бағрикенгликнинг ўрни, ёш авлод тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг роли, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида миллий-маданий марказлар, диний ташкилотлар томонидан тайёрланган Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини акс эттирган фотокўргазма ташкил этилди. Миллий-маданий марказлар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Нурилло НАСРИЕВ**

***Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини таҳлил этиб, хулоса чиқарадиган бўлсак, улар замирида ягона мақсад — инсонни қадрлаш, улуғлаш турганининг гувоҳи бўламиз. Ана шундай инсон манфаати ҳимояси йўлидаги эзгу мақсадларнинг амалдаги ифодаси мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани муносабати билан қабул қилинаётган амнистия тўғрисидаги қонун ҳужжати ҳисобланади.***

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Айниқса, мамлакатимизда мазкур амнистия ҳужжатининг давлат раҳбари ташаббуси билан киритилаётгани ва бу ҳақдаги нормаларнинг Конституциямизда алоҳида ҳуқуқий норма сифатида белгиланган инсонпарварлик тамойилининг давлат даражасидаги устувор вазифа эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг эълон қилинишини нафақат озодликдан маҳрум этилган шахслар, балки уларнинг оила аъзолари, минг-минглаб яқинлари интиқлик билан кутади. Айниқса, фарзандлари тақдиридан қайғураётган, кўнгли ярим ота-оналар учун амнистиянинг баҳоси жуда қадрлидир. Бола тарбиясида ҳеч ким ота-она ўрнини боса олмаслигини тан олиб айтадиган бўлсак, амнистия жамиятнинг маънавий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга қарордир. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорда аёллар, вояга етмаганлар ва кексаларга берилган эътибор мазкур ҳужжат аҳамиятининг янада ортишига сабаб бўлмоқда.

Қарорнинг ҳар бир банди диққат билан ўқилса, инсон тақдири, унинг манфаати тўғрисида жиддий қайғурилаётгани, билиб-билмай жиноятга қўл урган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлганларни кечиришга ҳаракат қилингани билинади.

Амнистия актининг эълон қилиниши халқимизга хос инсонпарварлик, эзгулик ва раҳмдилликнинг ёрқин ифодаси. Амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, ёлғиз ва кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, соғлиғини тиклаш, вояга етмаганларни ўз ота-оналари ёки васийлик органлари назоратига топшириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунки қабул қилинган амнистия акти улкан профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эгалиги, унда муайян тоифадаги шахсларнинг нафақат жавобгарлиги ёки жазодан озод қилиниши, балки уларни даволаш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш борасида зарур тадбирлар белгилаб берилгани муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ғамхўрлик ва бағрикенглик, адашганларга хатоларини англаш ва улардан тегишли сабоқ чиқариш мақсадида эълон қилинган амнистия акти мустақил мамлакатимизда инсон манфаати, унинг қадр-қиммати, бахт-саодати ҳамма нарсадан устун эканини амалда намоён этмоқда. Зеро, ўтган йилларда қабул қилинган амнистия акти туфайли муддатидан олдин озодликка чиқарилган фуқаролар ўзларининг самарали меҳнатлари, халқ ва одоблари билан ўз оиласи фаровонлиги, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Амалдаги қонунларга мувофиқ, жамиятимизда фуқароларнинг эркҳуқуқлари дахлсиздир. Суд қарорисиз уларни бундан маҳрум этишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бироқ танганинг иккинчи томони борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Демоқчимизки, тўғри йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кирган, зиммасидаги бурч ва масъулиятини унутган шахсларнинг қилмишини асло оқлаб бўлмайди. Наҳотки улар жиноят учун жазо муқаррарлигини билишмаса? Бу ҳам майли. Масаланинг яна бир томони кишини ўйлантиради. Шундай тинч, дориломон замонда жиноятга қўл уришнинг ўзи катта гуноҳ. Собиқ маҳбуслар орасида хотин-қизларнинг ҳам борлиги икки карра гуноҳдир. Бу хонадонларимиз фариштаси ва сариштаси бўлган аёллар шаънига иснод эмасми, ахир? Халқ нақлида айтилганидек, кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Кейинги пушаймон ўзингга душмандир. Мана, ҳаётга очиқ кўз, тоза виждон билан қарашнинг фурсати етди. Токи бундай нохуш хатти-ҳаракатлар қайта такрорланмасин.

Кузатишлардан маълум бўлишича, аксарият жиноятлар амалдаги қонунларни яхши билмаслик ёхуд уларга қатъий амал қилмаслик оқибатида содир этилмоқда. Бинобарин, омма ўртасида ҳуқуқий-тарғибот ишларини янада кучайтириш, ушбу жараёнга жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларини кенг жалб этиш, бунда оммавий ахборот воситаларининг кучи ва имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Токи жойларда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг қайта содир этилишига йўл қўйилмасин.

Биз юқоридаги мулоҳазаларимиз билан бировни оқламоқчи ёки қораламоқчи эмасмиз. Беайб — Парвардигор. Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Нотўғри ахлоқий тарбия, оила ёхуд ён-атрофдаги носоғлом муҳит айримларни ғайриқонуний кўчаларга бошлаши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу аччиқ тажрибадан яхши маълум. Ватан, миллат олдидаги бурч ва масъулиятини виждонан ҳис этган одам эса ҳеч қачон ўз шаънига доғ туширмайди. Аксинча, яхши ишлари, хайрли амаллари билан кўпнинг дуосини олишга интилади. Кўпнинг дуоси эса кўлдир. Ана шу оддий ҳақиқатни унутмасак, бас. Сирасини айтганда, мамлакатимизда ижтимоий адолатни тўла қарор топтириш, шахс эрки ва ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш айни кундаги устувор вазифалардандир. Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг юқорида тилга олинган қарори халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик ва кечиримлиликнинг амалдаги ифодаси, бўлди десак асло янглишмаган бўламиз. Амнистия қанчадан-қанча инсонлар тақдирида туб бурилиш ясаш имконини беришини ўйласак, масаланинг моҳияти нечоғлик муҳим экани аён бўлади. Ҳозирги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жойларда юқоридаги қарорда кўзда тутилган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунинг учун уч ойлик муддат белгиланган. Қарорнинг ижросини тўла таъминлаш, шубҳасиз, жамоатчилик вакиллари, сенаторлар ва депутатлардан ҳам алоҳида масъулият талаб этишини унутмаслигимиз лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлатимиз адашганларни, тўғри йўлга қайтмоқчи бўлганларни кечирмоқда, уларга яна бир бор ҳаётини яхшилашга имкон берилмоқда. Бундан барчамиз тўғри хулоса чиқаришимиз лозим бўлади.

**Ташпўлат МАТИБАЕВ,**
**Халқ депутатлари**
**Тошкент шаҳар Кенгаши депутати**

**Саховат**

## МЕҲР-МУРУВВАТ ЎН КУНЛИГИДА ҚАТНАШИНГ

***Маълумки, Қизил Ярим Ой жамияти якка-ёлғиз қарияларни ўз тасарруфига олиб, ижтимоий-тиббий ёрдам кўрсатиш, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш, ёнғин ва турли табиий офатлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларни амалга оширувчи жамоат ташкилотидир.***

Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти таркибида 11 та туман бўлимлари, 211 та бошланғич ташкилотлар ва 150 мингдан ортиқ аъзолар мавжуд. Улар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти XXI қурултойида қабул қилинган қарорлари, жамият Устави талабларини бажариш ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Федерацияси томонидан 2015-2020 йилларга мўлжалланган стратегик режа бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида фаолият кўрсатмоқда.

Меҳр-мурувват Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу йўналишда юзлаб қария ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларга беминнат ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатилади. Жамият тиббиёт бирлашмалари ҳамда маҳаллалар билан ҳамкорликда иш юритади. Қизил Ярим Ой жамияти томонидан пойтахтимизда истиқомат қилувчи жамият тасарруфига олинган 247 нафар ёлғиз қарияларга 10 нафар меҳр-шафқат ҳамширалари мунтазам равишда манзилли ёрдам кўрсатмоқдалар. Уйларига ташриф буюриб ҳолидан хабар олиб турадилар. Улардан 150 нафари стационарларда даволаниб чиқди. Имконияти чекланган 40 нафар болалар "Меҳригиё" тиббий-ижтимоий хонада ижтимоий мослашув дастури асосида касб-ҳунарга ўргатилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини амалга оширишни таъминлаш мақсадида соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш бўйича аҳоли ўртасида, соғлиқни сақлаш ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда жамият ходимлари иштирокида туғиш ёшидаги аёллар билан суҳбат ўтказилиб, маслаҳатлар берилмоқда. Бу борада ёш оналар соғлиғини муҳофаза қилиш, уларни тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб туриш масалалари муҳокама қилиниб, патронаж ҳамшираларнинг "Саломатлик сектори"даги фаол иштирокининг мониторинги олиб бориляпти.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан шаҳар ва туман дастурлари ишлаб чиқилди. Режада белгиланган вазифаларни бажаришга 10 ой давомида 78 млн.сўм сарфланди.

14 ноябрь куни Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ташкил топганига 91 йил тўлди. Шу муносабат билан умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда маҳаллаларда аҳоли иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, жамият тарихи ва бугунги кунда инсонпарварлик йўлида олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумотлар берилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар аҳолидан муайян тайёргарликни талаб этади. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг асосий вазифаларидан бири ҳам фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш асосларини аҳолига ўқитиш ва ўргатишдан иборатдир. Бу борада халқ хўжалиги объектларида санитар дружиналари ва санитар постлари ташкил қилинган. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган сандружина ва санпостлар фавқулодда вазиятлар бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларда иштирок этиб ўз малакаларини янада ошириб боряптилар.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ўқув маркази томонидан ташкил қилинган ўқув семинарларида 58 та ташкилотлардан 446 нафар ходим биринчи ёрдам асослари бўйича ўз билимларини оширди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг кўрсатмасига биноан ҳамкорликда шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги муассаса директорлари иштирокида 2-сонли Республика Жаҳон тиллари академик лицейида, Халқ таълими тизимидаги ўрта мактаб директорлари иштирокида Миробод туманидаги 110-мактабда мактабгача тарбия муассасалари директорлари иштирокида М.Улуғбек туманидаги 208-мактабда, Учтепа туманидаги Журжоний номли маҳаллада маҳалла фуқаролари йиғини раислари иштирокида Яккасарой туманидаги "Некст" савдо марказида, Юнусобод туманидаги 7-сонли шаҳар клиник шифохонасида, "Редиссон БЛУ" меҳмонхонаси ходимлари иштирокида, Шайхонтоҳур туманидаги "Самарқанд Дарвоза" макро дўконида F.Ғулом, М.Улуғбек ва Локомотив номидаги маданият ва истироҳат боғларида фавқулодда вазиятлар рўй берганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотида фавқулодда вазиятлар рўй берганда аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида 50 та оилага ёрдам кўрсатишга мўлжалланган ўрин-кўрпа, идиш-товоқ, кийим-кечак, ювиш воситалари, озиқ-овқат маҳсулотларидан жамланган заҳира ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат гранти дастурига "Ўсиб келаётган ёш авлод орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, волонтёрларни тайёрлаш, маиший жароҳатланишда биринчи ёрдам кўрсатиш асосларига ўргатиш" мавзусидаги лойиҳа шаҳар ташкилоти томонидан Парламент комиссиясига топширилди ва ғолиб деб топилди.

Лойиҳа мавзуси бўйича 7 та тиббиёт коллежларида 320 нафар тингловчилар учун семинар ташкил этилади, биринчи ёрдам кўрсатиш асослари бўйича буклетлар тайёрланади. 20 та волонтёр тайёрланиб 100 та кам таъминланган оилаларга бириктирилиб "Тенгдош-тенгдошга" шиори остида иш олиб бориш режалаштирилган. Оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. Коллежларга эса биринчи ёрдам аптечкалари ажратилади.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан инсонпарварлик йўлида амалга оширилаётган ишлар кўп қирралидир. Шу боис бундай хайрли ва савобли ишларда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин. Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш миллатимизга хос удум. Мана шу удумга содиқ қолиб, мурувватингизни аямайсиз деган умиддамиз.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг 2017 йилдаги фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2016 йил 1 ноябрдаги 173-ф сонли фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 14 ноябридан бошлаб жамият ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилмоқда.

Саховатпеша ҳамшаҳарларимиз, корхона ва ташкилотларга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг ҳисоб рақамини билдирамиз:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлими: х/р: 20212000900126451001, МФО: 00407, ИНН: 200896573, ХХТУТ: 98600.

**Маълумот учун телефонлар: 248-79-25; 248-24-94.**



**Коммунал хизмат:**

# ҚАРЗДОРЛИКНИНГ "ЮКИ" ҲАМИША ОҒИР

## ундан халос бўлиш ҳар биримизнинг виждонимизга боғлиқ

***Маълумки, халқимизда қарздорлик ёмон иллат, унинг ўзига яраша "юки" бор, деган нақл бор. Дарҳақиқат, мана шу "юк" вақт ўтгани сари тобора оғирлашиб бораверади, кишида ҳаловат йўқолади, туну кун ушбу залворли оғирликдан қутилишни ўйлайди.***

Лекин ҳаммамиз ҳам мана шундай ўйлармиканмиз. Биз **"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси "Тошкентшаҳаргаз" филиали** мутасаддилари томонидан тақдим қилинган маълумотларга таянган ҳолда шундай фикрга келдик. Чунки "зангори олов"нинг хизматидан беминнат фойдаланиб, лекин унинг ҳақини тўлашга келганда оғриниб, катта суммадаги қарздорликни писанд қилмай ўтирган истеъмолчиларнинг борлиги айни ҳақиқат. Зеро, кўпчилик газдек неъматнинг хонадонимизгача етиб келгунига қадар қанча одамларнинг меҳнати сарф бўлиши, бутун курраи заминда аксарият давлатлар уни четдан экспорт қилишини ўйлаб ҳам кўрмайди. Ҳолбуки, яратиб қўйилган шундай шароитларга шукр қилиб, ўз фуқаролик бурчимизни адо этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Мана, марҳамат, гапларимиз исботига ўзингиз бир назар ташланг. Учтепа тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 521-уйдан Д.Файзиевнинг газдан қарзи — 7.000.000 сўм, С.Тошқандий кўчаси, 4-уйдан Тошмуҳамедовнинг — 5.000.000 сўм, Тўқимачи 3-тор кўчаси, 22-уйдан Дадамуҳамедовнинг — 2.490.000 сўм, Олмазор тумани Лангар 8-тор кўчаси, 9-уйдан Исломовнинг — 17.171.927 сўм, Нозимахоним кўчаси, 44-уйдан Мирходжаевнинг — 8.132.000 сўм, Чиғатой оқтепа 4-тор кўчаси, 7-уйдан М.Абдурахмонованинг — 4.870.367 сўм, Юнусобод тумани, Хушнаво 4-тор кўчаси, 11-уйдан Алиеванинг — 3.732.160 сўм, Элнур кўчаси, 39-уйдан Тожиеванинг — 3.871.888 сўм, Ўлкаобод кўчаси, 3-уйдан Муҳаммедовнинг — 3.186.285 сўм, Яшнобод тумани, Бунёдкор кўчаси, 19-уйдан А.Иминовнинг — 3.497.007 сўм, Илтифот кўчаси, 16-уйдан Р.Тешабаевнинг — 5.123.110 сўм, Ҳуснобод кўчаси, 78-уйдан К.Умаровнинг — 5.895.490 сўм, Яккасарой тумани, Х.Сулаймонов тор кўчаси, 14-уйдан Г.Муҳамеджановнинг — 8.423.869 сўм, Катта Миробод кўчаси, 86-уйдан Т.Лукачованинг — 2.882.000 сўм, Жамбул 1-тор кўчаси, 29-уйдан Д.Усмонбековнинг — 1.101.716 сўм, Шайхонтоҳур тумани Шуманай 4-тор кўчаси, 212-уйдан М.Мирзаевнинг — 1.858.660 сўм, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 46-уйдан М.Мирахмедовнинг — 1.480.000 сўм, Зафаробод кўчаси, 15-уйдан Ҳошимовнинг — 1.528.500 сўм, Сергели тумани, Дарёбўйи кўчаси, 4-уйдан Костиннинг — 1.904.929 сўм, Дарёбўйи кўчаси, 57-уйдан Чуиннинг — 1.802.930 сўм, Олчазор кўчаси, 127-уйдан Синдаровнинг — 3.748.971 сўм, Чилонзор тумани, Ҳайробод 5-тор кўчаси, 7-уйдан Гадойбоевнинг — 6.630.000 сўм, Хайробод 4-тор кўчаси, 7-уйдан Исроиловнинг — 5.640.000 сўм, Ҳосилот 2-тор кўчаси, 25-уйдан Fозиевнинг — 6.862.000 сўм, Миробод тумани, 1-Қўйлиқ кўчаси, 68а 7-уйдан Л.Игонинанинг — 4.470.900 сўм, Мироншоҳ кўчаси, 92-3-уйдан И.Арсентьеванинг — 3.123.755 сўм, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 21-уйдан Т.Шамсиевнинг — 5.113.133 сўм, Гулбаданбегим кўчаси, 27-уйдан Маҳмуджоновнинг — 7.373.221 сўм, Гулсанам кўчаси, 36-уйдан Мамараҳимовнинг қарзлари — 4.001.323 сўмга етганда ҳам лоқайд юрганларига нима дейсиз.

Энг ажабланарлиси, кўпчилик ҳамшаҳарларимиз газдан бир неча миллион сўмлик қарзлари бўлишига қарамай, ҳар ойда номига юз минг сўмдан тўлаб, гўёки ўз бурчларини бажаргандек бўладилар. Баъзи мутасаддилар бунга кўниб кетавериштаси. Натижада қарздор уларни яна ойлаб лақиллатиб юраверади. Ахир 7, 8, ҳатто 17 миллион сўмлик қарздорлик ҳолатларини қандай баҳолаш мумкин. Ҳолбуки, шундай йўл билан арзимаган пул тўлаган ҳолда албатта улкан қарздан қутулиб бўлмайди. Эт суякка тақалганда шундайларга қарата: "Соҳа ходимлари газингизни тармоқдан узиб қўйса, ўзингиздан ўпкаланг", деймиз. Ахир, халқимизда "Инсоф сари барака" деган нақл борку.

Шу билан бирга истеъмолчиларнинг электр энергияси, иссиқлик таъминоти, ичимлик суви етказиб берувчи корхоналардан ҳам катта қарзлари мавжуд. Ушбу хизматлар мутасаддилари ҳам қарздорликни камайтириш, аҳолидан кўрсатилган хизмат учун ҳақни вақтида ундириш учун барча кескин чора-тадбирларни қўллашга мажбур бўлишмоқда.

**Тошкент шаҳар "Сувсоз" ДУК** аҳолига ичимлик ва оқава сув хизматларини мунтазам кўрсатиб келмоқда. Лекин, айримлар бундан тўғри хулоса чиқармай, тўловни вақтида амалга оширмаяптилар. Шайхонтоҳур тумани, Беҳбудий кўчаси, 19-уйдан Х.Гафуровнинг — 898.000 сўм, Белтепа 5-тор кўчаси, 5-уйдан Ю.Юнусовнинг — 918.000 сўм, Олмазор тумани, Олмос кўчаси, 20-уйдан Т.Акилованинг — 498.265 сўм, Сариқсув кўчаси, 76-уйдан И. Гулямовнинг — 434.400 сўм, Учтепа тумани, Чилонзор 15-мавзеси, 3-уй, 58-хонадондан Н.Джаппаровнинг қарзлари — 279.000 сўмга етганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ахир, оби ҳаёт, дея таърифланадиган сувсиз ҳаёт кечиришнинг асло иложи йўқ-ку.

**"Тошиссиққуввати" ИЧБ УКси** берган маълумотларга кўра, манзиллари кўрсатиб ўтилган бир қатор истеъмолчилар қайта-қайта огоҳлантиришларга қарамай, ўз мажбуриятларини бажаришга шошилмаяптилар. Уларнинг баъзилари билан таништириб ўтамиз. Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 107-уй, 20-хонадондан М.Содиқовнинг — 5.639.392 сўм, Лашкарлар кўчаси, 8а-69-уйдан А.Пирматовнинг — 5.546.319 сўм, Яшнобод тумани, Тузел-3 мавзеси, 14-уй, 138-хонадондан Джумаевнинг — 5.896.638 сўм, Тузел-3 мавзеси, 5-уй, 53-хонадондан Лисициненинг — 5.954.804 сўм, Учтепа тумани, 31-мавзе, 43-уй, 40-хонадондан Х.Ганиеванинг қарзлари — 4.833.535 сўмга етган.

**"Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти** мутасаддилари ҳам Учтепа туманидан бир қатор қарздор истеъмолчиларнинг номларини келтириб тўшиди. Масалан, Учтепа тумани, 22-мавзе, 28-уй, 71-хонадондан Белановскаянинг — 2.627.119 сўм, Учтепа-23 мавзе, 17-уй, 44-хонадондан Аваринанинг — 2.520.460 сўм, Учтепа-23 мавзе, 47-уй, 21-хонадондан Хурсановнинг — 2.122.943 сўм, Учтепа-23 мавзе, 56-уй, 25-хонадондан Хасановнинг — 481.644 сўм, Учтепа-23 мавзе, 56-уй, 56-хонадондан Понинанинг қарзлари — 596.185 сўмга етганда ҳам хотиржам юришлари кишини таажжубга солади. Бу фақат битта тумандан келтирилган мисоллар, холос.

**Бинобарин, беминнат хизмат кўрсатишнинг ҳам меъёри, чегараси, ҳисоб-китоби бор, кимки унга амал қилмаса, унинг жавоби ҳам бор. Шунинг учун, яна бир бор айтиб ўтмоқчимиз, кўрсатилаётган хизматлар ҳар биримизнинг тинч, хотиржам, кўнгли тўқ бўлиб яшашимизни таъминлаб беради, шундай экан биз ҳам қарзимизни ўз вақтида тўлаб, юқорида таъкидлаганимиздек, елкамизга оғир юк қилиб ортиб юрмайлик.**

**Шахризода МУҲСИМОВА**

**Тадбирлар**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

***Тошкент солиқ коллежида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида "Репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи келажагимиз пойдевори" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.***

Тадбирни Тошкент солиқ коллежи директори Баҳриддин Зайниддинов кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия беришда соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асрашни эътибордан четда қолдирмаслик лозимлигини таъкидлаб ўтди. Зеро, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш уларнинг онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиради.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан 25-оилавий поликлиника акушер-гинекологи Манзура Эрниязова, врач-нарколог Лилия Музаффарова, ОИТС маркази шифокори Меҳриниса Муҳамедова, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ходимлари Мавлуда Норқулова ва Ҳамида Холматовалар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, 2014 йил 1 августдаги 2221-сонли Президент қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган бундай тадбирлар она ва бола саломатлигини мустаҳкамлабгина қолмасдан турли касалликларнинг олдини олишда, ёшларимизнинг зарарли одатлардан воз кечишига, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар.

**А.МАШАРИПОВ,**
**Учтепа тумани тиббиёт бирлашмаси соғлом турмуш тарзи шифокори**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

"COMPLEX DECISION" хусусий корхонаси ҳуқуқий шакли "COMPLEX DECISION" масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади. ИНН 303416554

"COMPLEX DECISION" ХКга нисбатан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: +99895 177-74-11

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

# ЁШЛАР БАРКАМОЛЛИГИ – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

***"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ибн Сино жамоат фонди томонидан ижтимоий акция ўтказилди.***



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси ва баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш доимий эътиборда. Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш бу йўналишдаги ишларнинг узвий давомидир. Акция доирасида пойтахтимиз бўйлаб махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун ташкил этилган саёҳат ҳам шу мақсадларга хизмат қилади.

Саёҳат давомида ўқувчилар шаҳримизнинг ноёб меъморий обидалари, истиқлол йилларида барпо этилган иншоотлар, сайилгоҳлар ва боғларни томоша қилди. Бу каби саёҳатлар ёш авлодни халқимизнинг бетакрор маданий меросига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, акция доирасида Яшнобод туманидаги 52-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 165 нафар тарбияланувчиси тиббий кўрикдан ўтказилди.

– Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун давлат дастурлари асосида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – дейди Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Н.Маҳмудов. – Жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларда фондимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. "Ўзбекистон – Франция" дўстлик жамияти, Ҳиндистоннинг "Bravo Pharma" компанияси ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда ўтказилган тиббий кўрик ҳам ушбу йўналишдаги ишларимиздандир.

Акция доирасида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, маънавий қўллаб-қувватланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улар бераётган улкан самаралар хусусида маълумот берилди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

"101"

# ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бир мунча ортиб боради. Бу ёнғин хавфининг ҳам ортишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 7 ноябрдаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 10 ноябридан 2017 йилнинг 10 январига қадар республика миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, сиз нафақат ушбу тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жойларда турли тарғибот тадбирларини ўтказишмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ташкилот, корхона ва муассасага тааллуқлидир.

Шу ўринда аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг аввало, очиқ алангалардан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолдаги, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик, белгиланмаган жойларда чекмаслик.

Айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги ёки табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги оқибатида турли кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилса, турли кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг мақсад муддаоси ҳам айнан шудир.

**А.АДИЛОВ,**
**12-ҲЁХО 2-ҲЁХ алоҳида пост смена бошлиғи, капитан**

* * *

Фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гугурт чақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб, хонадонини талафотларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади. Бу эса ўзларининг моддий зарар кўришларига ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда. Бундай асаббузарлик ва талафот бўлмаслиги, уйингизга офат балоси чиқмаслиги учун газ билан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўрар эдик. Шу билан бирга ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари қуйидаги ёнғинга қарши чораларни кўришингизни эслатиб ўтади.

1. Мўрионларнинг теварак атрофида хашак, ўтин ва шунга ўхшаш ҳар хил тез ёнувчи уй-рўзғор буюмларини сақлаш тақиқланади.

2. Иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш қатъиян ман этилади.

3. Ёқилган иситиш печлари устида, теварак атрофида ҳар хил ёнувчи кийимларни қуритиш, ўчиб қолган оловни ўт олдиришда бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш енгил ёнувчи суюқлик ишлатиш ҳамда ёниб турган иситиш печларини тузатиш тақиқланади.

4. Ёш болаларни газ атрофида ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг.

5. Хонадонларда қўлбола ясама электр иситиш мосламаларидан фойдаланишга йўл қўйманг.

**Х.ГАЗИХАНОВ,**
**24-ҲЁХҚ кичик инспектори, сафдор**

* * *

"Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ташкилот, корхона ва муассасага тааллуқлидир.

Шу ўринда аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг аввало, очиқ алангалардан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолдаги, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик, белгиланмаган жойларда чекмаслик.

Ёнғиннинг олдини олиш борасидаги қоидаларга амал қилиш, аҳоли ўртасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳамшаҳарларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида олиб борилмоқда. "Ёнғин хавфсизлиги кунлари"да барчани фаолликка чақириб қоламиз.

**А.САГАТОВ,**
**33-ҲЁХҚ смена бошлиғи, капитан**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 14 декабрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган такроран аукцион савдосига Суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро ҳужжатига асосан қуйидаги енгил автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Mersedes-Benz ML 550 VA русумли, қора рангли, 2007 йилда и/ч, т/с, д/б 01 535 ААА бўлган б/б- 248 386 135 сўм. 2. Mersedes-Benz GL 550 AMG русумли, қора рангли, и/ч йили номаълум (2008й), т/с, д/б (Т ЕА 461 77) бўлган б/б- 395 871 482 сўм. 3.Hyundai Elantra русумли, кумуш рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 765 ААА бўлган б/б- 81 222 350 сўм. Тошкент ш, Сергели т, Олтин водий кўчасида жойлашган Тошкент "ОРМЗ" автомобилларни сақлаш тураргоҳида сақланмоқда. Суд департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман СИБ томонидан "SHAMOL" МЧЖнинг омборхонасида Тошкент ш, Сергели т, Безакчилик кўчаси, 3А-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: 1. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли ижро ҳужжати Газ-31029 русумли, енгил, кулранглы, 1995 йилда и/ч, т/н, д/б 01931РСА бўлган б/б – 4 084 763 сўм. 2. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли ижро ҳужжати ЗИЛ138А русумли, юк, ҳаворанглы, 1966 йилда и/ч, т/н, д/б 01396РСА бўлган, б/б –11 831 986 сўм. Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 12 декабрь соат 18:00 да тўхтатилади.

2016 йил 23 декабрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар, Яшнобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 15/12-уйда сақланаётган Тошкент шаҳар хўжалик судининг 23.03.2016 йилдаги 10-1618/2201-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан: 1. Газ-5227 р-ли, ҳаворанг, 1986 йилда и/ч, т/н, д/б 01 028 ЕСА, юк авто-на б/б – 4 331 250 сўм. 2. Газ-31029 р-ли, оқ рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б 01 017 ЕСА, енгил авто-на б/б – 4 362 750 сўм. 3. Газ-6631 р-ли, хаки(яшил) рангли, 1993 йилда и/ч, т/н, д/б 01 025 ЕСА, юк авто-на б/б – 8 775 000 сўм 4. Газ-2705 р-ли, ҳаворанг, 1998 йилда и/ч, т/н, д/б 01 027 ЕСА, юк авто-на б/б – 14 568 750 сўм 5. Дамас р-ли, оқ майк рангли, 2003 йилда и/ч, т/н, д/б 01 029 ЕСА, енгил авто-на б/б – 15 424 500 сўм. 6. Газ-5227 р-ли, ҳаворанг, 1986 йилда и/ч, т/н, д/б 01 024 ЕСА, юк авто-на б/б – 3 937 500 сўм. Яшнобод тумани С.Машҳадий кўчаси 210-уйда сақланаётган Тошкент шаҳар хўжалик судининг 25.05.2015 йилдаги 10-1501/6357-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан: 1. Газ-52 р-ли, комбинацияланган рангли, 1987 йилда и/ч, т/н, д/б 01 428 QCA, юк авто-на б/б – 6 483 750 сўм. 2. Нексия р-ли, олча рангли, 1999 йилда и/ч, т/н, д/б 01 247 BCA, енгил авто-на б/б – 19 707 750 сўм. 3. ЗИЛ-130 р-ли, хаки (яшил) рангли, 1986 йилда и/ч, т/н, д/б 01 248 BCA, юк авто-на б/б – 22 420 000 сўм. 4. Дамас р-ли, оқ рангли, 2004 йилда и/ч, т/н, д/б 01 249BCA, енгил авто-на б/б – 20 775 600 сўм. Яшнобод тумани Уйсозлар кўчаси, 2/11-уйда сақланаётган Тошкент шаҳар хўжалик судининг 11.05.2015 йилдаги 10-15066/4264-сонли ижро ҳужжатига асосан Дамас ГБАСПГ р-ли, оқ рангли, 2013 йилда и/ч, т/н, д/б 01 231UCA, енгил авто-на б/б -30 072 409 сўм. Суд департаментининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими томонидан Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 6-уйда сақланаётган SHAANXI DELONG р-ли, пуштиранг, 2011 йилда и/ч, т/н, д/б 01 627 QBA, юк авто-на б/б – 237 442 050 сўм. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 19.10.2000 йилдаги 10-1012/22080-сонли ижро варақасига асосан 16 дюмли, 4-1 корпусли жами 86 дона омочлар (оборотный плуг, агро техника UNLU "DAIICHI"), ҳар бир омочнинг б/б-23 795 053 сўм 33 тийин. Ушбу омочлар Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўчаси, 43-уйда сақланмоқда. Суд департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман СИБ томонидан ЖИБ Сергели судининг 01.03.2016 йилдаги 1-117/16-сонли ижро ҳужжатига асосан қуйидаги "Audi servis plus" МЧЖда сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилган: 1. Ваз-21011 русумли, енгил, оқ рангли, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01М956GA бўлган б/б –3 067 632 сўм. 2. Ваз-21011 русумли, енгил, қизил рангли, 1978 йилда и/ч, т/н, д/б 01V082EA бўлган б/б –3 166 776 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари ва омочлар билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 21 декабрь соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

**Гувоҳнома № 05791**

**Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**2016 йил "22" декабрь соат 10$^{00}$да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Жадвал сони | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 28М | "ТТЗ АШБ - Олой бозори бекати" | 10 | Микроавтобус |
| 2. | 80М | М.Юсуф кўчаси АШБ - Зенит заводи бекати | 12 | Микроавтобус |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 7И | "Дўмбиробод мавзеси – Чилонзор буюм бозори бекати" | 5 | Микроавтобус |
| 2. | 8Т | "Бешқайрағоч мавзеси – Оқтепа майдони" | 8 | Автобус |
| 3. | 9Т | "Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Тошкент вокзали АШБ" | 12 | Автобус |
| 4. | 12Т | "Бешқайрағоч мавзеси – Беруний метроси АШБ" | 2 | Автобус |
| 5. | 13Т | "Сувсоз мавзеси – Тошкент вокзали АШБ" | 10 | Автобус |
| 6. | 17Т | "Бешқайрағоч мавзеси – Чилонзор буюм бозори АШБ" | 11 | Автобус |
| 7. | 18М | "2-оилавий поликлиника бекати – Авиасозлар АШБ" | 10 | Микроавтобус |
| 8. | 53А | "Ўрикзор мавзеси АШБ – Истиқлол кўчаси бекати" | 9 | Автобус |
| 9. | 66М | "Сергели қўрғони – Тошкент вокзали АШБ" | 7 | Микроавтобус |
| 10. | 79А | "Бирлик мавзеси – Бошлиқ мавзеси" | 5 | Автобус |
| 11. | 88А | "Ибн Сино 2-мавзеси – М.Юсуф кўчаси бекати" | 12 | Автобус |
| 12. | 115М | "МЖБК бекати – Дўстлик метроси АШБ" | 4 | Микроавтобус |
| 13. | 119М | "Мажнунтол маҳалласи – Қўйлиқ М4 АШБ" | 4 | Микроавтобус |
| 14. | 121А | "Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Чинни бозори бекати" | 11 | Автобус |
| 15. | 124М | "Ўрикзор мавзеси АШБ –Пахтакор метроси АШБ" | 14 | Микроавтобус |
| 16. | 137А | "Молия лицейи – Тошкент вокзали АШБ" | 4 | Автобус |
| 17. | 144А | "Ўзбекистон жамоа хўжалиги – Тошкент МУМ АШБ" | 8 | Автобус |
| 18. | 147А | "Чорсу савдо маркази АШБ – Чинни бозори бекати" | 12 | Автобус |
| 19. | 183М | "Бинокор қўрғони – Қўйлиқ М4 АШБ" | 5 | Автобус |

**Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ХАТБ "ORIENT FINANS BANK"нинг Юнусобод филиалидаги х/р **2021 0000 0041 9797 1001** (банк коди 01075, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **326 000 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17$^{00}$да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Савдога Миробод туман СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2015 йил 24 ноябрдаги 381-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-1 даҳаси, 16$^{А}$-уйда жойлашган, умумий ер майдони 234 кв.м. бўлган нотурар жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 282 796 000 сўм.

**Аукцион савдолари 2016 йил 27 декабрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 23 декабрь куни соат 18:00.

II. Савдога Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 27.03.2012 йилдаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хонаси, ҳожатхона, ювиниш хонаси, дарвозадан иборат уй-жой. **Бошланғич баҳоси – 152 981 991 сўм.**

2. ЖИБ Юнусобод туман судининг 19.02.2013 йилдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уй манзилида жойлашган, умумий 283 кв.м. ер майдонида қурилган, фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 та яшаш хонасидан иборат уй-жой. **Бошланғич баҳоси – 63 144 000 сўм.**

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 17.11.2011 йилдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 40-уй манзилидаги 5 қаватли уй-жойнинг подвалида жойлашган, 20 кв.м.дан иборат 24-сонли автомобиль қўйиш жойи. **Бошланғич баҳоси – 27 662 550 сўм.**

**Аукцион савдолари 2016 йил 14 декабрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 12 декабрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo`li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000004336010001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **23 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шимолдан шарққа томон секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 2-4 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ